

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан
2020-йил 1 июльдаги 9/2-20-сон такдимномасида кўрсатиб
ўтилган камчиликлар бажарилганлиги ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 2020-йил 1 июньдаги 9/2-20-сон такдимномасида туман (шаҳар) бўлими халқ таълими тизимидаги васийлик ва хомийлик органларида Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси аҳволи ўрганилди.

Тизимда амалга оширилган ишлар билан бирга, “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги Қонуни талаблариларининг ижроси тўлиқ таъминламасдан, мутасадди идоралар билан самарали ҳамкорлик ва ахборот алмашуви йўлгақўйилмаганлиги оқибатида етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимоя қилинмаётганлиги аниқланди.

Хусусан, туман (шаҳар) халқ таълим бўлими тизимидаги васийлик ва хомийлик органларида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш тўғрисидаги Йўриқнома талаблари бузилиб, Нукус шаҳар, Кегейли, Бўзотов, Тахтақўпир ва Нукус туманларида ҳужжатлар йиғма жилди номенклатураси тузилмаган, ҳудудий архив идораси билан келишилмаган, рўйхатга олиш дафтари тулик юритилмаган.

Васийлик ва хомийлик органларида 2020 йил учун мўлжалланган иш режалари ишлаб чиқилиши ва унинг ижроси таъминланиши Беруний, Кегейли, Амударьё ва Муйноқ туманларида бажарилмасдан, ўз ҳолиги ташлаб қўйилган.

Масалан, Беруний туманида 2020 йил учун тузилган иш режанинг 2-банди ижроси тўлиқ таъминламасдан, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга васий ёки хомий тайинламаслиги натижасида вояга етмаганлар томонидан ўз жонига қасд қилиш каби салбий оқибатлар келиб чиққан.

Хусусан, вояга етмаган Д.Ашированинг 14.02.2020 йили ўз жонига қасд қилиб, вафот этган ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан олиб борилган терговга қадар текширув ишлари давомида марҳумнинг ота-онаси ажрашиб, узоқ муддатга Россия Федерацияга кетганлиги аниқланган. Лекин, Д.Аширова таҳсил олаётган мактаб директори ёки маҳалла раиси бу ҳақда васийлик ва хомийлик органига вақтида хабар бермаган, натижада уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзгатилган.

Кегейли, Беруний, Амударьё, Қонликўл ҳамда Нукус туманларида васий ва хомий тайинлашда судланганлик ҳолати текширилмаган ва иш жойидан иш ҳақи ҳақида маълумотлар олинмаган.

Масалан, Кегейли туман ҳокимининг қарори билан вояга етмаган У. Матимуратовага хомий этиб тайинланган Г.Ҳакимниязованинг муқаддам судланганлик ҳолати тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ

Ахборот марказидан маълумотнома (талабнома) олинмасдан, туман ИИБ томонидан фуқарога нисбатан қораловчи маълумотлар мавжуд эмаслигитўғрисидаги маълумотнома билан чекланган холос.

Шунунгдек, таълим муассалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари), фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш (ФХДЁ) органларининг мансабдор шахслари ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этмаслиги натижасида Қўнгротда 27, Мўйноқда 21, Элликқалъада 12, Нукус шаҳрида 10, Кегайлида 9, Нукус тумани, Чимбой, Шўманайда 4 нафардан, Хўжайли ва Тўрткўлда 2 нафардан вояга етмаганларга васий ва ҳомийлар тайинламаслик ёки кечиктирилиб тайинлаш ҳолатлар аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига қарашли умумий ўрта таълим мактаби директорлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларига нисбатан туман прокуратуралари томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 411-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Масалан, Мўйноқ туманида яшовчи вояга етмаган А.Байниязова, Р.Календерова ва А. Календеровлар, Хўжайли туманида яшовчи вояга етмаган А.Далибаев ва Г.Садиновалар ота-она қаровисиз қолган бўлишига қарамасдан, ўрганиш кунига қадар уларга васий ёки ҳомий тайинланмаган.

Республикада 10 ёшга тўлган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган Нукус шаҳар ва Тахиатошда 5 нафардан, Қараўзакда 4 нафар, Элликқалъада 3 нафар, жами 17 нафар болаларни васийликка (ҳомийликка) беришда уларнинг розилиги олинмаган.

Масалан, Элликқалъа туман ҳокимининг қарорига асосан фуқаро Ш.Худайбергеновга васийликка берилган вояга етмаган М.Шомурадова ва М.Алламбергеновнинг ёки Қонликўл тумани ҳокимининг қарорига асосан фуқаро С.Рустемовага ҳомийликка берилган вояга етмаган А.Жуматованинг розили олинмаган.

Ота-она узрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозимлигига қарамасдан, Қараўзакда 4 нафар, Нукус, Элликқалъа, Тахиатош ва Мўйноқ туманларида 2-нафардан, жами 12 нафар болаларни васийликка (ҳомийликка) беришда уларнинг розилиги нотариал тасдиқланган тартибда олинмаган.

Масалан, Нукус тумани ҳокимининг қарорига асосан вояга етмаган Т.Ниетуллаевани фуқаро О.Утегеновага васийликка беришда отаси Р.Ниетуллаевнинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган.

Шу каби, Тахиатош туманида вояга етмаган А.Айтбаева ва А.Айтбаеваларнинг онаси А.Азбергеновнинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган.

Тахтакўпир туманида 5 нафар, Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида 1 нафардан васийликка (ҳомийликка) белгиланиётган шахснинг турар жойи, мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар тегишли идора ташкилотлардан олинмаган.

Масалан, Тахтақўпир туманида вояга етмаган Ж.кидирниязова ва А.Қидирниязоваларга ҳомий тайинлашда марҳум ота-онаси Т.Ережепов ва А.Дошановаланинг номида транспорт воситалари мавжудлиги тўғрисида бирон-бир маълумотлар олинмаган.

Жорий йилнинг 6 оyi давомида васийлик ва ҳомийлик органларига фуқаролардан келиб тушган Нукус шаҳридаб та,Кегейли ва Нукус туманларида 2 тадан аризалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ жавоб берилмаган.

Жумладан, Нукус шаҳар Халқ таълим бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига келиб тушган фуқаро М.Муятдиновнинг мурожаатига жавоб хати 41 кун ўтиб жавоб берилган бўлса, 2-сонли тергов камоқхонасида сақланиётган судланувчи Ж.Баўетдинова фарзандини меҳрибонлик ўйига жойлаштиришни сўраб ёзган мурожаатига текшириш кунига қадар жавоб хати берилмаган.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ходимлари ўз зиммасига юкланган вазифаларини бажариш билан боғлиқ транспорт каражатларини қоплаш учун ҳар ойда 170.000 сўм миқдорда компенсация пуллари Кегейли, Бўзатов, Беруний ва Қораўзак туманларида тўланмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 12.04.2013 йилдаги 124-сонли буйруғи талабларига зид равишда Кегейли, Бўзатов, Қораўзак ва Беруний туманларида васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича мутахассислари алоҳида хона, алоқа воситаси ва мебель жиҳозлари билан таъминланмаган.

Барча туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларига:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш шароитлари белгиланган муддатларда ўрганиб борилишини ташкиллаштиришини тизимли йулга қуйиш;

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун махсус муассасаларга, оилавий болалар уйларига, фарзандликка олган оилаларга, васийлар ёки ҳомийларга юборишда, унинг яшаш жойи бўйича турар жойи мавжудлигини аниқлашингизни ва уни болада сақлаб турилиши кафолатланиши таъминлаш мақсадида бу ҳақда туман ҳокимлигига асосланган тўғри маълумот берилишини йулга қўйиш;

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун беришда васий ёки ҳомий булиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқилишини ташкиллаштириш;

мазкур тоифадаги болалар учун васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан белгиланган муддатларда васий ёки ҳомий тайинланишини ташкиллаштириш;

васийлик ва ҳомийлик органларига келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида ва қонуний кўриб чиқилиши, шунингдек, қонунда белгиланган муддатларда жавоб берилишини тизимли ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фарзандликка олишни бекор қилиш ёки фарзандликка олиши ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик

ҳуқуқини маҳрум қилиш бўйича даъво аризалар киритиш;

вояга етмаганлар томонидан ҳар бир ўз жонига қасд ва суйқасд қилиш ҳолатларига фақуллода ҳолат сифатида қараб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ва бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда йўл қўймаслик мақсадида самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назоратга олиш бўйича топшириқлар берилди ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари сўзсиз амал қилиш ва ижро тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2014 йилдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2010 йилдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 29.10.2010 йилда 2150-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан бюджет трансфертларини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, 28.01.2011 йилда 2189-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Васийлик ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолинишини назорат қилиш коидалари” ва бу борадаги бошқа қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларида йўл қўйилган хато-камчиликлар учун Нукус шаҳар (Ж.Сапарова), Тахиатош (Г.Сапарбаева), Тўрткўл (А.Ерназарова) туманлари халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассисларига “Ҳайфсан” эълон қилинди.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва келгуси вақтларда бундай хато-камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири ҳузурида кенгайтирилган мажлис ўтказилди ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Тақдимномада кўрсатиб ўтилган барча хато-камчиликлар ўз вақтида бажарилганлиги маълум этиб билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири ўринбосари:



Ш.Таджимуратов